

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.V.12.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ КОМИЛ РАХИМОВИЧ**

**ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР ВА ОҒИР МЕТАЛЛ ТУЗЛАРИНИНГ  
ҲУЖАЙРА МОРФОЛОГИЯСИ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИГА  
ТАЪСИРИ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онколог-визаморфологияси. Ветеринария  
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Очилов Комил Рахимович**

Захарли химикатлар ва оғир металл тузларининг хужайра морфологияси  
 функционал ҳолатига таъсири.....3

**Очилов Комил Рахимович**

Действие пестицидов и солей тяжелых металлов на морфофункциональное  
 состояние клеточных структур.....25

**Ochilov Komil Rakhimovich**

Effect of pesticides and heavy metal salts on the morphological state of cellular  
 structures .....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 53

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.V.12.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ КОМИЛ РАХИМОВИЧ

ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР ВА ОҒИР МЕТАЛЛ ТУЗЛАРИНИНГ  
ХУЖАЙРА МОРФОЛОГИЯСИ ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИГА  
ТАЪСИРИ

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринария  
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси

БИОЛОГИЯ ФАҶЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



К

Самарқанд - 2019  
resurs markazi  
Inv. № - 14225/2.

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc.B88 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация афтореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samvmi.uz](http://www.samvmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Илясов Азиз Саидмуродович биология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Дилмуродов Насриддин Бабакулович ветеринария фанлари доктори, профессор Ғажамурадов Зайнитдин Турабович биология фанлари доктори, профессор Орипов Фирдавс Суратович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етақчи ташкилот:	Ветеринария илмий - тадқиқот институти

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил « 12 » сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кучаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: [samvmi@edu.uz](mailto:samvmi@edu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти ахборот ресурс марказида танишшиш мумкин (№135 рақам билан руйхатга олинган ). (Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улугбек кучаси, 77. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Диссертация автореферати 2019 йил « 26 » ок куни тарқатилди.  
(2019 йил « 24 » ок даги 2 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
Қ.Н.Порбоев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси вет.ф.д., профессор

[Signature]  
С.Б.Эшбурнев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби вет.ф.д.

[Signature]  
Х.С.Салимов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қўшидаги илмий семинар  
раиси вет.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда аҳолининг экологик саломатлигини муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитни заҳарловчи моддаларнинг аксарият қисмини пестицидлар ташкил этади, шу билан бирга уларсиз кишлоқ хўжалигининг истиқболли ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кура, дунёда йилига пестицидлардан 500 мингдан 2 миллионгача одамлар заҳарланса, уларнинг 40 минг нафарга яқини ўлим билан тугаши қайд этилган<sup>1</sup>. Табiiй муҳитда 7 дан 8,6 млн. гача кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, уларнинг заҳираси ҳар йили 250 мингга яқин янги бирикмалар билан тўлиб бормоқда. Россия Федерациясининг турли ҳудудларида тупроқнинг sanoат токсидантлари – оғир металлар, аммиак, фтор, нефт ва нефт маҳсулотлари, сульфат ва нитратлар билан зарарланиши қайд қилинган.

Дунё миқёсида кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун ишлатиладиган пестицидлар ва дефолиантларни ҳайвонлар организмиде келтириб чиқарадиган салбий асоратларнинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан катор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, пестицидлар ва оғир металл тузларининг токсикологик таъсир механизмини асослаш, ҳайвонларнинг заҳарли химикатлар ва оғир металл тузлари билан заҳарланишларини ўз вақтида диагностика қилишни такомиллаштириш, sanoатда кенг қўлланиладиган ксенобiotиклардан организмнинг интоксикацияси, клиникаси ва токсикологиясини аниқлашнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида атроф-муҳитни ифлослаштирувчи воситаларнинг, пестицидлар ва оғир металлар тузларининг ишон ва ҳайвонлар организмга заҳарли таъсирини бартараф қилиш бўйича маълум даражада ютуқларга эришилди. Ташқи муҳитнинг экологик ҳолатини баҳолаш сифатини оширишда алоҳида олинган моддалар эмас, уларнинг мажмуаларини асосан реал шароитда содир буладиган организмга токсик таъсирини аниқлаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўлъяб пестицид ва бошқа заҳарли моддаларни биринчи навбатда организм миқёсида токсикологик ва санитария-гигиеник нуқтан назардан баҳолаш ва маълум соҳада уларни қўлланиш тартибга солишга эришилган. Кишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидлар ва заҳарли химикатларнинг орган ва туқималарга токсик таъсирини урганиш асосида заҳарланишларнинг салбий оқибатларини

<sup>1</sup> ЖССТ Европа регионда асосий саломатлик хурбатчилари ЖССТ, 2014 йил

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон қарори

олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим долзарб илмий – амалий муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-24/60-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон ва «Атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги» 2017 йил 21-апрелдаги ПҚ-5024-сон қарорлари ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон фармони, ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>. Заҳарли химикатлар ва оғир металл тузларининг организмга таъсирларини бартараф қилиш борасида илмий йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National Institute of Environmental Health Sciences, University of Maryland, New York University, University of Illinois at Chicago, Colorado State University, University of Rochester, University of California, Harvard University, Emory University (АҚШ)<sup>4</sup>, University of Milan, University of Pavia (Италия), Universitat de València, University of Murcia (Испания), University of Turku (Финляндия), Ghent University (Бельгия), University of Edinburgh (Англия), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Centre National de la Recherche Scientifique (Франция); Россия фанлари академияси, Байкал Миллий Университети (Россия Федерацияси), Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Пестицидларнинг таъсири оқибатида келиб чиқувчи салбий асоратларни камайтириш ва қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида жаҳонда қатор илмий натижалар олинган, жумладан: пестицидлар таъсирида келиб чиқувчи

<sup>3</sup>[www.ncbi.nlm.gov/pubmed](http://www.ncbi.nlm.gov/pubmed); <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com>

<sup>4</sup>Barnola F.V., Carnejo G, Villegans R. DDT-nerve membrane inter-action and ionic channels // "Biophys Soc Program. And Abstrs 15th Ann Meet., New Orleans, La., " 2001 - New York, - P 51

Ўткир ва сурункали захарланишларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (University of Murcia); улардан 250 тасининг фойдаланишга хавфсизлиги исботланган (Colorado State University, University of Rochester, University of California, Harvard University, Emory University); экологик инфлослантирувчи моддаларнинг ирсият орқали ўтувчи ва турли касалликларга мойилликни орттиришига қўмаклашувчи эпигенетик бузилишларни келтириб чиқариш хусусияти аниқланган (University of Milan, Universitat de València, University of Illinois at Chicago, University of Turku, Ghent University); пестицидларни хатор аъзоларга токсик таъсирини аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Байкал Миллий Университети, Россия Федерацияси); сув, туپроқ ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг жуда кам миқдорда сақланиши ҳам одам ва ҳайвон саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши исботланган (Centre National de la Recherche Scientifique); пестицидларнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврда эндокрин-бузувчи таъсир механизмлари аниқланган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунёда захарли химикатлар ва оғир металл тузларининг организм хужайра ва тўқималарига таъсир механизми аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: у ёки бу кимёвий агентнинг токсик таъсир кўрсатиш механизмини аниқлаш; токсик бирикмаларнинг хужайравий, суб хужайравий ва молекуляр миқёсда таъсирини аниқлаш; пестицидларнинг биологик мембрана ва хужайравий органеллалар таркибий функционал хусусиятларига токсик таъсирини аниқлаш; захарли химикатлар билан захарланишларни аниқлашда экологик ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Муаммоннинг урганлганлик даражаси.** Республикамиз қишлоқ ҳўжалигида қўлланиладиган турли хил пестицидлар, дефолиантлар ҳамда оғир металл тузларининг ҳайвонлар организмга токсик таъсирини ўрганли асосида захарловчи моддаларнинг ҳақиқий концентрациясини аниқлаш бўйича К.М.Ибрагимова, С.А.Куценко, Г.М.Саидходжаев, Н.Г.Ақиншина, М.И.Асраров, З.С.Орынбаева, Д.С.Туйчиева, К.Т.Алматов, А.А.Исмаилова, К.В.Яковенко, С.А.Куценко, Ю.Салимовлар томонидан кенг камровли тадқиқотлар ўтказилган.

Шунингдек, дунё миқёсида ксенобиотиклар ва захарли бирикмаларнинг организм орган ва тўқималарига мембранатроп таъсирини аниқлаш ҳамда оксидловчи стресс (ОС) оғир металллар ионлари билан организм интоксикациясида асосий уринни эгаллаши бўйича бир қатор хорижий муаллифлар N.Loffhagen, S.Hartig, W.Babel, K.E.Dineley et al., C.P.Lewis, M.Demedts, B.Nemery, M.Valko, H.Morris, M.T.Croninлар томонидан илмий жиҳатдан асосланган натижалар олинган.

Республикамизда ҳайвонларнинг захарли химикатлар ва оғир металл тузлари билан захарланиши ва унинг оқибатида салбий асоратларга олиб келиш ҳолатлари каби муаммолар мавжуд, шунинг учун ҳам иссиқ қонли организмга биологик хужайравий ва мембрана даражасида оғир металллар ва

пестицидларнинг таъсир механизмини ўрганиш асосида захарланишларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (№05.2018.DSc.023) “Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатлари, эрта ташхиси, давоси ва профилактикасига янгича ёндошишни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** айрим пестицид ва оғир металлларни алоҳида ва биргаликда қўллаганда ҳайвонларнинг туқималари ва турли ҳужайравий тузилмалари морфофункционал ҳолатига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гепатоцитлар тузилмасига кадмий ва қўрғошин тузларини алоҳида ва аралаш киритишнинг таъсирини аниқлаш;

жигар митохондрия ҳужайраларининг функционал ҳолатига кадмий ва қўрғошин тузларини алоҳида ва аралаш киритишнинг таъсирини илмий асослаш;

ҳайвонлар организмга айрим пестицидларнинг туқимали ва субҳужайрали тарқалиш даражасини баҳолаш;

*in vivo* шароитида эритроцитлар сиртки архитектурасига пестицидлар таъсирини аниқлаш;

нерв-мушак синапслари билан айрим пестицидларнинг узаро таъсир механизмини аниқлаш;

жигар ҳужайраларига айрим пестицидларни алоҳида ва оғир металллар тузлари билан биргаликда киритишнинг таъсирини тадқиқ қилиш;

*in situ* ва *in vitro* шароитида ҳайвонлар туқималарининг ҳужайралари ва мембрана ўтказувчанлиги ҳамда энергетик алмашинувига дефолиантлар таъсирини комплекс аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб ҳайвон ҳужайралари (тимоцитлар, гепатоцитлар, эритроцитлар) ва мембрана тузилмалари (митохондриялар, синапслар), пестицидлар ва дефолиантлар ҳамда вистар линиядаги ок каламушлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб пестицидлар ва оғир металллар билан организмнинг турлича захарланиши шароитида ҳужайравий тузилмаларнинг морфофункционал ҳолати саналади.

**Тадқиқот усуллари.** Мазкур диссертация ишида биокимёвий, морфологик, биофизикавий, трансмиссион электрон микроскопия, спектрофотометрик, колориметрик, патологоанатомик, статистик ҳамда ҳужайралар биологиясини ўрганишнинг замонавий усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор оғир металл тузлари ва пестицидларни ҳайвонларга алоҳида ва

биргаликда қўлланилганда жигар митохондрияларининг функционал ҳолатива ундаги ултратаркибий ўзгаришлари аниқланган;

токсикантлар таъсирида жигарнинг энг таъсирчан ултратузилмаси митохондриялар ва эндоплазматик тармоқ эканлиги аниқланиб, уларни (дропп, бутилкаптакс, бутифос) мазкур ултратузилмаларда энг кўп тулланиши тажрибаларда исботланган;

кўргошин ва кадмий препаратларини хайвонларга биргаликда қўлланилганда митохондриялар функционал ҳолатида гепатоцитлар ва силжишларининг ултратаркибий ўзгаришлари мазкур токсикантларнинг узаро синергизмига олиб келиши аниқланган;

пестицидлар ва захарли химикатларни хайвонлар организмга таъсир механизмларини аниқлашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

дефолиантлар ва кўргошин тузлари биргаликда ва алоҳида-алоҳида қўлланилганда гепатоцитларда энергетик алмашилари ва биосинтетик жараёнларининг энг кўп ўзгаришлари аниқланган.

дефолиантларнинг токсикологик хусусиятлари билан *in vitro* шароитида уларнинг модификацияловчи таъсири митохондрияларда оксидланиш-қайтарилиш ҳолати, каламушлар жигар хужайраларининг энергетик метаболизи ва тимоцитлар корреляцияси аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

тадқиқотларда пестицидлар ва захарли химикатларни организмга таъсирини ўрганиш жараёнида пестицидларва оғир металл тузларини аниқлашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул ёрдамида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган янги пестицидлар ва захарли химикатларининг орган ва туқималарга захарли таъсири аниқланган;

пестицидлар ва оғир металл тузларининг бирикмаларини организмга биргаликдаги фаолияти уларни алоҳида киритганга нисбатан анча кучли таъсир кўрсатишини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

хайвонларнинг пестицидлар ва оғир металл тузлари билан захарланишини кимёвий – лаборатория усулида аниқлаш натижасида бир маротабалик лаборатор текширув таҳлилни ўтказишда 30 000 сум маблаг тежалган;

пестицидларни қишлоқ хўжалигида қўлланилишида маълум концентрациядаги чегаравий меъёрларга риоя қилинмаслиги хужайра тузилмаси ва функцияларининг бузилишига, оқибатда чуқур патологик ўзгаришлар ҳамда касб касалликлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилгани, институтнинг снов комиссияси илмий тадқиқот ва дастлабки материалларга ижобий баҳо бергани, барча рақамли маълумотлар биометрик қайта ишлангани, илмий тадқиқот натижалари ветеринария ва суд-кимёвий лабораторияларида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти токсик бирикмаларнинг организм хужайравий мембрана тузилмалари ва жигар туқималарининг таркибий функционал ҳолатига таъсир механизми, органик ва иоорганик бирикмаларнинг организмга биргаликдаги таъсир фаолияти уларни алоҳида киритганга нисбатан анча кучли таъсир кўрсатиши, уларнинг бир бирини таъсирини кучайтириш хусусияти, ҳаттоки токсикантлардан ҳар бири учун алоҳида чегаравий йул қўйиладиган концентрацияга риоя қилинмаслиги ҳам хужайра тузилмаси ва функцияларининг бузилишига, оқибатда патологик ҳолатлар ҳамда турли касб касалликларининг пайдо бўлишига олиб келиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат токсинлари ва захарли химикатларнинг турли бирикмалари инсонлар ва ҳайвонларга захарли таъсирини аниқлаш, пестицидларни қўллашда санитария ва гигиена меъёрларини ишлаб чиқиш, олинган илмий маълумотлардан ветеринария токсикология лабораторияси ва тиббий суд-кимёвий лаборатория амалиёти ҳамда патологик анатомия, гистология, экология, патоморфология ва биология ўқув режаларини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини амалга оширилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Захарли химикатлар ва оғир метал тузларининг хужайра морфологияси функционал ҳолатига таъсири буйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

пестицидлар ва оғир металл тузларининг ҳайвонлар организми хужайра ва туқималарига захарли таъсир механизмининг аниқлашнинг экспериментал усуллари ишлаб чиқилган ва суд-кимёвий лаборатория амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 июндаги 8-4/157- сонли маълумотномаси). Бунда ҳайвонларнинг пестицидлар ва оғир металл тузлари билан захарланишини кимёвий – лаборатория усулида аниқлашда самарали натижаларга эришилган;

ҳайвонларнинг пестицидлар ва оғир металл тузлари билан захарланишини кимёвий – лаборатория усулида аниқлаш ветеринария хизматининг лаборатория амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг 2018 йил 5 июндаги 02/13-577 – сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида бир маротабалик лаборатор текширув таҳлилини ўтказишда 30 000 сум маблағни тежаш имконияти яратилган;

экспертизаларни ўтказиш жараёнида юпка қатламли газ-суюқлик хроматографиясидан фойдаланган ҳолда биологик объектларда кичик ҳажмдаги пестицидлар ва оғир металл тузларининг мавжудлигини аниқлаш учун ишлаб чиқилган усуллар суд-тиббىёти экспертиза амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 июндаги 8-4/157- сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида инсон ва ҳайвонларнинг пестицидлар ва оғир металл тузлари билан

захарланишларини диагностика қилиш самарадорлиги оширилиб, улар ўлимнинг сабабини аниқлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган лаборатория текшириш усуллари Бухоро вилоят ветеринария ташхис марказларининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг 2018 йил 5 июндаги 02/13-577 – сонли маълумотномаси). Натижада ҳайвонларнинг захарли химикатлар ва пестицидлар билан захарланишларини барвақт диагностика қилиш ва олдини олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация материаллари ЎЗР ФА биокимё институтининг бирлашган семинарида, Бухоро Тиббиёт институти илмий кенгашида, Бари (Италия), Хельсинки (Финляндия), Брюссель (Бельгия) хужайравий биология халқаро конференцияларида, Я.Х.Туракулов таваллудининг 90-йиллигига бағишланган «Биокимё ва эндокринологиянинг замонавий муаммолари» республика конференциясида муҳокама қилинган (Ташкент, 2006).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, уларнинг 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 181 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида тирик организмларга экотоксикантлар таъсири, иссиқли қолиби организмларга пестицидлар таъсири, организмга оғир металлар таъсирининг хужайравий асослари, инсон ва ҳайвонлар организмга кадмий ва күрғошнинг таъсири хорижий давлатлар ва республика олимларининг илмий ишлари натижаларининг қисқача таснифи келтирилган. Адабий маълумотлар таҳлили тирик организмларнинг хужайравий тузилмаларига оғир металлар тузлари ва пестицидларнинг таъсири тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган 2-бобида ишда фойдаланилган асосий усуллар ва объектлар тавсифланган. Жигар ултратузилмасига бир қатор токсикантларнинг

мос келади. Қайд қилиш керакки,  $10^{-4}M$  -  $10^{-3}M$  концентрацияда ўрганилган металл ионлари тимоцитлардаги ОФ ва Мх га таъсир кўрсатади.

Хайвонларга кадмий тузлари киритилганда унинг умумий тузилмаси дискомплексацияга учрамади. Марказий венадан портал трактларгача бутун ораликда синусоид капиллярларда ўртача қон қуйилиши кузатилди. Митохондрия айрим қисмларида ўртача гиперплазия ва матрикс электрон зичлигининг ошиши характерли бўлди. Умуман шуни қайд қилиш керакки, хайвонларга кадмий тузини киритишда гетеросинтез учун маъсул бўлган тузилмалар кўп даражада шикастланади.

Кадмий ва кўргошин препаратларини биргаликда киритиш гепатоцитлар тузилмасининг ўзгаришига олиб келади, бу ҳар бири учун алоҳида характерли, аммо биргаликда янги белгиларга эга бўлади.

Биз томондан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, сирка кислотали кўргошин ва олтингугурт кислотали кадмий чегаравий ўлчанган микдорларда хужайра мембраналари ва ички хужайравий органеллаларнинг ҳам таркибий ҳам функционал хусусиятларини ўзгартиради. Таркибий функционал хусусиятларнинг ўзгариши биринчи навбатда хужайра ва унинг органеллалари ҳаётий муҳим функцияларида кузатилаётган ўзгаришлар сабабли бўлиши мумкин.

Ишонч билан айтиш мумкинки хужайра ва унинг органеллари мембраналарига бундай таъсирини нафақат сирка кислотали кўргошин ва олтингугурт кислотали кадмий балки, мазкур металлларнинг бошқа органик ва ноорганик бирикмалари ҳам кўрсатади. Кўргошин ва дефолиантларни хайвонларга биргаликда қўллашнинг гепатоцитлар ултратузилмасига таъсирини урганиш бизнинг тажрибаларимизда кўрсатилган.

Мембраналарнинг таркибий функционал параметрларига токсик бирикмалар таъсирининг узаро кучайишининг далили муҳим аҳамиятга эга. Кўргошин ва кадмий ионларининг организмга биргаликдаги таъсири уларнинг алоҳида таъсирдан анча кучли бўлади. Бошқача айтганда биргаликда таъсир кўрсатиш токсикантларнинг алоҳида таъсир кўрсатиш йигиндисидан юқори бўлади, чунки улар бир-бирининг таъсирини кучайтиради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики уларнинг таъсирини баҳолаш мураккаб.

Диссертациянинг «Пестицидлар таъсирида хужайравий тузилмаларнинг ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида пестицидлар - бутифос, бутилкаптакс, этафос ва дропп таъсирини урганиш натижалари келтирилади. Тажрибаларда аниқландики, бутифос хужайра органеллалари билан узаро таъсирга киришиб уларнинг функционал параметрларини бузади, охир оқибат хужайравий метаболизмга олиб келади. Радиоактив бутифоснинг 80% и оксилли фракцияларда аниқланади.

Мазкур ишда катта микдордаги белгили дропп барча тадқиқ қилинган туқималарнинг митохондрия ва микросомаларида аниқланди. Радиоактив бутилкаптакс билан тажрибалар шуни кўрсатдики, мазкур пестицид ички

хужайравий тузилма компонентлари билан узаро таъсирга киришиши ва хужайранинг турли компонентларида метаболизмни бузиши мумкин.

Пестицидларнинг (бутифос, бутилкаптакс, этафос ва дропп) таъсири тадқиқ қилинганда шу нарса аниқландики, бутифос ва бутилкаптакс эритроцитлардан пассив  $K^+$  чиқишини оширади. Бу олинган натижалар эритроцитлар мембранаси тузилиши ва функционал ҳолатининг *in vitro* ва *in vivo* тажрибаларида мембранатроп таъсирининг бир-бирига мос келишини кўрсатади.

1-жадвал.

Даволашдан сўнги ва бутифос таъсири остида қуёнлар периферик қондаги эритроцитлари турли хил шаклларининг микродорий шисбати ( $M^+ - m$ , в %).

Эритроцитлар шакли	Экспериментал ҳайвонлар гуруҳи		
	назорат	бутифос	Диэтоксин билан даволаш
Дискоцит	78,2 ± 2,1	72,2 ± 3,1	77,5 ± 1,8
Дискоцит бир дона усимта билан	6,4 ± 1,3	6,5 ± 0,7	4,2 ± 0,5*
Дискоцит кундоқ билан	6,2 ± 0,3	5,4 ± 0,2	6,1 ± 0,4
Дискоцит бир нечта усимталар билан	4,4 ± 0,4	5,8 ± 1,0	4,5 ± 0,4
«Тутсифат» қуришишдаги эритроцит	1,3 ± 0,4	2,9 ± 0,5	1,7 ± 0,4
Гумбаз қуришишли эритроцит	1,6 ± 0,5	3,8 ± 0,8	2,4 ± 0,4
Шарсимон эритроцит	0,6 ± 0,1	1,7 ± 0,3	1,1 ± 0,2
Бужмайган эритроцит	1,4 ± 0,3	1,4 ± 0,8	2,0 ± 0,2
Эритроцитларнинг дегенератив ўзгариши	0,02 ± 0,001	0,8 ± 0,005	0,05 ± 0,002*

\* -  $P \leq 0,05$  назорат гуруҳи билан солиштирилганда.

Ушбу ўзгаришлар диэтоксин антидот киритилганида сезиларли даражада ўзгаради.

Шундай қилиб, бутифоснинг эритроцит мембраналарининг структуравий ва функционал ҳолатига бевосита таъсири туфайли, шунингдек жигар, гепатоз органлар ва плазмадаги воситачилик таъсир кўрсатиши узаро боғланганлиги туфайли бутифос ҳайвонлар организмга таъсири остида периферик қоннинг эритроцитлар сиртки архитектоникасида сезиларли ўзгаришлар юз беради (1-жадвал).

Қўллаб пестицидлар нерв ва мушак толаларининг кўзгалувчан мембраналари билан узаро таъсирга киришиб, уларнинг меъерий фаолиятини

бузади, биз томондан мазкур ишда бир қатор пестицидларнинг электрофизиологик усуллар билан нерв мушак узатишга таъсири ўрганилган. Пестицидлар таъсирида МПКП частотаси, ПКП параметри ва МП миқдори ишончли ўзгариши кузатилмади. Пестицидларнинг аниқланган таъсири қайтадиған бўлади. Олинган натижалар шундан далолат берадики, фосфороорганик бирикмалар нерв мушак синапслари меъёрий фаолиятини бузади ва холинэстераза активлигини пасайтиради. У ёки бу пестициднинг митохондриялар функциясига таъсирининг энг умумий қонуниятларини чиқаришга уриниш қарама қарши ўзгаришлар мавжудлиги сабабли қийинлашади.

Мазкур масала пестицид билан захарланган ҳайвонларнинг у ёки бу туқималарининг энергетик ҳолатини умумий баҳолаш нуқтаи назаридан муҳим бўлмаслиги мумкин. Аммо мазкур масала ўз ечимини талаб қилади.

Биз томондан утқазилган *in vitro* тажрибалар шунни қўрсатдики, бутифос, дропп ва бутилкаптакс пестицидлари нафас олиш ва ОФ га таъсир қўрсатади. Дефолиант сифатида мазкур препаратларнинг фаоллиги мембранатроп таъсир билан асосланган, куплаб пестицидлар ҳайвон ва ўсимликларда митохондриялар мембранасини бир хилда ўзгаришига сабаб бўлди.

Қайд қилиш керакки дропп, бутилкаптакс ва бутифос тимоцитларнинг функционал параметрларига ижобий таъсир қўрсатди. Хужайра энергетикасига юқорида санаб ўтилган дефолиантларнинг таъсири буйича олинган маълумотлар биз томондан юқорида келтирилган тавсифга мос келади.


Хулоса қилиш мумкинки турли дефолиантларнинг умумий токсиклиги уларнинг мембрана фаоллиги билан мос келади.

Диссертациянинг «Ҳайвонлар туқималари хужайраларининг мембрана тузилиши билан пестицидларнинг узаро таъсири» деб номланган бешинчи бобида туқималар ва ички хужайравий тузилмаларга пестицидлар таъсирини ўрганиш буйича тадқиқот маълумотлари келтирилган. Турли органларда белгили дропп пайдо бўлишини ўрганиш буйича натижалар шунни қўрсатдики, радиоактив пестицид киритилгандан сўнг 60-90 минут ўтиб унинг катта фаоллиги ўпка, жигар ва буйракда аниқланди, бош миёда камрок миқдорда дропп тулланиши кузатилади. Дроппнинг ички хужайравий тақсимотини ўрганишда аниқландики бу барча тадқиқ қилинган туқималарнинг цитоплазма, ядро ва митохондрияда пайдо бўлиши мумкин. Унинг катта миқдори қаламушларнинг ўпка ва жигари ядро ва цитозоли билан боғлиқ. Белгили дроппнинг ухшаш тақсимоти қаламушлар жигарида қайд қилинди. Дроппнинг катта миқдори жигар ядроси, цитозол, митохондрия ва жигар микросомаларида кузатилди.


Буйрак туқималаридаги катта фаоллик хужайраларининг цитоплазматик фракцияларида, кам миқдорда митохондрия ва микросома билан боғлиқ. Дропп катта миқдорда буйракнинг ядро фракциясида қайд қилинди. 1-

расмдан кўриниб турганидек каламушлар бош миясида мазкур препаратларнинг фақат кичик миқдори булади.

Таърибаларнинг навбатдаги босқичида биз томондан каламушлар органлари буйлаб бутилкаптакс пестицидининг тақсимоти аниқланган. Текширув натижалари шуни кўрсатдики, қондаги белгининг максимал миқдори пестицид киритилгандан сўнг 20 минутда кузатилади. Энг катта фаоллик 60 минутдан сўнг пайдо бўлиши билан характерланди. Энг кичик тупланиш каламушларнинг бош миясида кузатилади.



1-Расм. Каламушлар организмнинг субхужайрали фракциялари ва органлари ўртасида дроп тақсимланиши (имп./мин. мг оксил)



2-Расм. Органлар ва субхужайравий фракциялар ўртасида бутилкаптакс тақсимланиши (имп./мин. мг оксил)

SamVI II Axborot-  
resurs markazi  
Inv № 14225/2

Белгили бутилкаптакснинг ички хужайравий тақсимотини текширишда шу нарса аниқландики, пестицид турли туқималарнинг цитоплазма, ядро, митохондрия ва микросомал фракцияларида пайдо бўлади. Белгили пестицидларнинг катта миқдори жигар, ўпка ва буйрак цитозоли ва митохондрия билан боглик.


Шундай тарзда турли хужайра фракцияларида радиоактив белгини аниқлаш мазкур препаратнинг ички хужайравий тузилма компонентлари билан ўзаро таъсир қобилиятидан далолат беради.

Тадқиқот объектн сифатида хомиладорликнинг 19-21 кунлигидаги тана вазиш ўртача 250 г бўлган каламушлар хизмат қилди.

Препарат киритилгандан сунг 1,5 соат утиб каламуш декапитацияга учради. Тахлил учун кон қуймаси ва амниотик суюқлик олинди.

Ички органлар ва мазкур органлардаги субхужайравий фракциялар буйича пестицидларнинг нотенг тақсимотига эътибор қаратиш керак. Энг катта радиофаоллик ичак, буйрак ва жигарда аниқланди, мос равишда бу ерда препаратни сўриш, ажратиш ва биокимёвий зарарсизлантириш содир бўлди.

Тадқиқ қилинган субхужайравий фракцияларда радиоактив белгини аниқлаш шундан далолат берадики, бутифос турли ички хужайравий тузилмалар билан ўзаро таъсирга киришиши мумкин. Қайд қилиш керакки бутифос ҳолатида энг эҳтимолли субхужайра микросома фракциялари бўлади, унга плазматик мембрана ва эндоплазматик ретикулум, ва митохондрия ферментлари киради. Бу бутун организмда уларнинг токсик таъсирини амалга ошириш жараёнида турли пестицидларнинг ўзаро таъсири муҳимлиги тўғрисидаги фаразга мос келади.



3-Расм.Она ва хомила организмдаги белгили бутифоснинг радиоактивлиги.

Митохондрияларда бутифоснинг эҳтимолӣ тарқалиши тўғрисидаги масалани аниқлаш учун биз оксил фракциялари ва фосфолипидларда уларнинг микдорий жойлашишини аниқладик. Олинган маълумотларга кўра радиоактив бутифоснинг энг кўп қисми хайвонларга препарат киритилгандан сўнг оксил фракцияларида аниқланади.

Шундай тарзда бутифос билан қамраб олинган митохондрия, мембрананинг фосфолипид қатлами функцияларини ўзгартиради, ва митохондриал ҳам бошқа мембрана сифатида тузилма ва функцияларни бузади. Бу мазкур фараз махсус тажрибавий текширувни талаб қилади.

Биологик ва модел мембраналарининг турли хилларида юқорида санаб ўтилган мембрана фаол хусусиятлари ўрғанилган. МН ва УДМ-П-С препаратларининг ОФ га таъсири буйича маълумотлар келтирилган.

Юқорида қайд қилинганидек бутифос ОФ га ажратувчи таъсирга эга, бир вақтда унинг митохондрияга нигибирловчи таъсирини ҳам айтиш керак.

Мазкур иккита препаратдан фарқли равишда дропп дефолианти сезилари фаолликка эга. Дропп ажратилган митохондрия метаболик ҳолатда нафас олишни 20-30 % га кучайтирди (2-жадвал).

Қайд қилиш керакки, дропп бутифосдан фарқли равишда кўплаб сонли бошқа текширилган ионлар учун катта ўзига хос бўлмаган ўтказувчанликни намойён қилмайди.

Бутилкаптакнинг ОФ га таъсирини ўрганиш мазкур дефолиантнинг умумий фаоллигини аниқлаш имконини берди. Аммо назорат ДК микдорининг пасайиши 4 метаболик ҳолатда нафас олиш тезлиги ошиши билан эмас балки  $V_3$  ва  $V_4$ , метаболик ҳолатда нафас олиш фаоллигининг умумий пасайиши билан содир бўлади.

2-жадвал.

Турли дефолиантларнинг каламушлар жигар митохондриялари функционал кўрсаткичларига таъсири

Ўрғанилаётган дефолиант	Микдори, мМ	Ўрғанилаётган препарат, %			
		$V_3$	ДК	АДФ/0	Чикиш тезлиги $Ca^{2+}$
Назорат		100	100	100	100
Бутифос	0,1	48	55,6	99,5-*	1300
	0,3	36	25,8		1500
«МН»	1-10	100	100	100	100
УДМ-П-С	1-10	100	100	100	100
Дропп	0,1	119	57	85-*	440
	0,3	132	26		1100

Мазкур бобда шунингдек каламушлар тимоцити функцияларига айрим пестицидларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган. Тимоцитларда кислород қабул қилишнинг бошланғич тезлиги метаболик ҳолатга мос келади. 10 мкМ дозадаги дроп тимоцитлар нафас олишини кучайтиради (34%).

Шу билан бирга агар у ёки бу дефолиантнинг мембрана фаол хусусиятларининг алоқаси уз мантигига эга бўлса, бунда маълум мембрана эффектларининг сунъий дефолиация жараёнларига таъсири келгусида аниқлашларни талаб қилади.

Шунингдек тадқиқотларда хужайравий тузилмаларнинг функционал фаоллигига айрим оғир металллар ва улар аралашмаларининг каламушлар жигарида тимоцит ва митохондрия функционал ҳолатига таъсири урганилди.

Оғир металлларни каламушларга қўлланилиши натижасида жигар митохондриясининг функционал ҳолатида ўзгаришларга олиб келиши кузатилди. Кадмий ва кўрғошин препаратларини 2 кун мобайнида биргаликда қўлланилганда кўрғошинли захарланишга хос бир катор белгилар аниқланди.

Пестицидларнинг токсиклик механизмини ўрганиш масаласи хужайра мембранаси ва ички хужайравий тузилмалар билан уларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга олиб келади. хайвонлар туқимаси митохондрияси эса муҳим ички хужайравий нишонлар ҳисобланади. Қўллаб пестицидлар хужайраларининг ултратузилмасини бузилиши, хужайраларда биоэнергетик ва метаболик бузилишларга олиб келиши мумкин.

Тадқиқотда электрон микроскопия усули билан хужайралар морфологиясига кўрғошин тузларининг таъсири буйича кизикарли маълумотлар олинган. Кўрғошин таъсирида энг эрта муддатларда интоксикацияга учрайдиган органеллалар митохондрия бўлиб, улар миқдорий камайишга ва турли даражада акс этиш бузилишига мойил бўлади.

Радиоактив нишон билан тажрибалар шуни кўрсатдики, айрим пестицидлар ички хужайравий органеллалар билан ўзаро таъсирга киришади ва уларнинг функционал ҳолатларини бузади. Радиоактив бутифоснинг тахминан 80% қисми хайвонларга препарат киритилгандан сўнг барча тадқиқ қилинган муддатларда Мх мембрана оқсил фракцияларида аниқланади. Бизнинг ишда шу нарса кўрсатилдики, катта миқдордаги нишонли дроплар амалда урганилган барча туқималар ва митохондрияларда аниқланди. Радиоактив бутилкаптакс билан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, мазкур пестицид ички хужайравий тузилма компонентлари билан ўзаро таъсирга киришиши мумкин ва хужайранинг турли компонентларида метаболизмни бузади.

Пестицидлар - бутифос, бутилкаптакс, этафоса ва дропнинг *in vitro* шароитида эритроцитлар мембраналари таркибий функционал хусусиятларига таъсирида шу нарса аниқландики, бутифос ва бутилкаптакс эритроцитлардан  $K^+$  пассив чиқишини оширади, бу эритроцитлар мембранаси тузилмасида катта таркибий функционал ўзгаришлар мавжудлигидан далолат

беради. *in vitro* шароитида эритроцитлар мембранасининг таркибий функционал ҳолатига пестицидлар таъсири бўйича биз томонимиздан олинган натижалар *in vivo* мембрана таъсири билан мос келади.

Қўллаб пестицидлар мембраналарнинг меъёрий фаолиятини бузади, мазкур ишда биз томондан электрофизиологик усуллар билан нерв мушак узатишга бир қатор пестицидлар таъсири ўрганилди. Пестицидлар таъсирида МПКП частотаси, ПКП параметрлари ва МП микдорлари ўзгариши кузатилмади. Пестицидларнинг аниқланган таъсирлари тикланадиган бўлди ва ювишда йўқолди. Олинган натижалар шундан далолат берадики бутифос, гетерофос ва этафос бирикмалари нерв мушак синапс меъёрий фаолиятини бузади. Олинган маълумотлар тадқиқ қилинаётган пестицидларнинг умумий токсикологик хусусияти билан солиштирилди.

Пестицидларнинг митохондриялар функциясига таъсирининг умумий қонуниятларини аниқлашга урнишлар карама-қарши ўзгаришлар мавжудлиги билан қийинлашади.

Эҳтимол мазкур муаммо пестицидлар билан зарарланган ҳайвонларнинг у ёки бу туқималари энергетик ҳолатини умумий баҳолаш, энергетик алмашувни тузатиш йўллариини ишлаб чиқиш нуқтан назаридан муҳим бўлмаслиги мумкин. Аммо мазкур масала агар дастлабки механизмларни аниқлаш, токсик таъсир кўрсатишда босқичларни белгилаш мақсади қўйилган бўлса ўз счимини талаб қилади.

Ўтказилган *in vitro* тажрибалари шунини кўрсатдики, бутифос, дропи ва бутилкаптакс пестицидлари нафас олиш ва ОФ,  $Ca^{2+}$  ни ташиш ва митохондрия ички мембраналар пассив ўтказувчанлигига самарали таъсир кўрсатади. Умуман олганда пестицидлар билан мембрана ўтказувчанлиги ва мембрана билан боғлиқ фермент ва транспорт тизимлари фаоллигини ошириш ушбу пестицидларнинг токсик хусусиятларини тушунтириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари мазкур препаратларнинг дефолиант сифатидаги фаоллиги мембранатроп таъсир билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қайд қилиш керакки, дроп, бутилкаптакс ва бутифос тимоцитларнинг функционал параметрларига самарали таъсир кўрсатди. Юқорида санаб ўтилган дефолиантларнинг хужайра энергетикасига таъсири бўйича олинган маълумотлар биз томондан юқорида тавсифланган каламушларнинг нафас олиши ва ОФ ажратилган митохондрия таъсирига мос келади.

Хулоса қилиш мумкинки турли дефолиантларнинг умумий токсиклиги уларнинг мембрана фаоллиги билан бошқарилади. Ҳайвонлар туқималари, митохондрия, хужайра мембраналари ва қўш қатламли сунъий мембраналар ёрдамида янги пестицидлар токсиклиги ва уларнинг таъсир кўрсатиш механизминини баҳолашда оддий ва юқори ахборот берувчи тест тизимлари сифатида фойдаланилиши мумкин.

Оғир металллар ва уларнинг аралашмаларининг бир қатор катионлар учун нафас олиш, ОФ, мембрана пассив ўтказувчанлигига таъсирини ўрганиш шунини кўрсатдики, каламушларга оғир металлларни киритиш улар

жигарининг функционал ҳолатига ўзгаришлар олиб келади. Олинган маълумотлар гепатоцитлар морфологиясига алоҳида ва биргаликда киритилганда кадмий ва қўрғошин ионлари таъсири бўйича натижалар билан мос келади. Қайд қилиш керакки,  $10^{-4}M$  -  $10^{-3}M$  концентрацияда ўрганитилган металл ионлар тимоцитлардаги ОФ ва митохондрияларга таъсир кўрсатади.

Ҳайвонларга кадмий тузлари киритилганда унинг умумий тузилмаси дисконкомплексацияга учрамади. Марказий венадан портал трактларгача бутун ораликда синусоид капиллярларнинг ўртача қон қуйилиши кузатилади. Митохондрияларнинг айрим қисмларида ўртача гиперплазия ва матрикснинг электрон зичлиги ошиши характерли бўлди. Умуман шуни қайд қилиш керакки, ҳайвонларга кадмий тузларини киритганда гетеросинтез учун маъсул бўлган тузилмалар кўп даражада ўзгаради.

Мембраналарнинг таркибий функционал кўрсаткичларига токсик бирикмалар таъсирининг ўзаро кучайиши далили муҳим аҳамиятга эга. Қўрғошин ва кадмий ионларининг организмга биргаликдаги таъсири уларнинг алоҳида таъсиридан анча кучли бўлади.

Бошқача айтганда биргаликда таъсир кўрсатиш токсикантларнинг алоҳида таъсир кўрсатиш йигиндисидан юқори бўлади, чунки улар бир-бирининг таъсирини кучайтиради.

Хаттоки ҳар бир токсикант учун чегаравий йўл қўйиладиган концентрацияга қатъий риоя қилинганда ҳам турли туқималарнинг ҳужайра тузилиши ва функциялари бузилишига олиб келиши мумкин, охир оқибатда кўпгина патологик ҳолатлар ҳамда касб касалликлари пайдо бўлади.

## ХУЛОСАЛАР

